

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

## ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

### АХБОРОТ ХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 февралдаги 133-ф-сонли фармойиши билан 2019 йилда мамлакатимизда ўтказиладиган халқаро ва республика миқёсидаги илмий ҳамда илмий-техник анжуманлар режасига мувофиқ 2019 йил 19 апрель куни Термиз давлат университетида «**Адабий алоқалар ва маданиятларнинг ўзаро таъсири**» мавзусида Халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтади.

**Конференциянинг мақсади:** Республикада миллий тилларни ўрганилишига алоҳида эътибор қаратиш, ўзаро манфаатли ва амалий алоқалар ўрнатиш, миллатлараро тотувлик.

**Халқаро илмий-амалий конференцияни қуйидаги йўналишлар бўйича ўтказиш режалаштирилган:**

1. Адабий алоқалар жараёни ва муаммолари.
2. Қиёсий ва чоғиштира тилшунослик масалалари.
3. Ҳозирги таржимашунослик масалалари ва унинг истиқболлари.
4. Олий таълимда шарқ тиллари (тожик, дарий, форс ва б.)нинг ўрганилиши, муаммолар ва инновациялар.

5. Хорижий давлатлар билан илмий-адабий алоқалар: ҳамкорлик, муаммо ва ечим.

**Конференция ишида** Республикамиз ва хорижий давлатларнинг барча олий ўқув юртлири олимлари, соҳа мутахассислари, стажёр-тадқиқотчилар, изланувчилар ва магистрантлар иштирок этишлари мумкин.

**Конференция материалларини расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар:**

- мақолалар конференция йўналишларига оид долзарб мавзуларда, илмий таҳлил ва тугалланган фикрлар асосида таклиф ва тавсиялар билан тақдим этилиши лозим;

- конференция тили: ўзбек, инглиз, рус, тожик, форс ва дарий.

- мақола ва тезис матнлари 5 бет атрофида бўлиши, А-4 катталиқдаги қоғозда, 14 кегел катталигида, 1,5 интервалда, юқоридан, пастдан 2 см, чапдан 3 см ва ўнгдан 1,5 см жой қолдириб, Times New Roman шрифтида расмийлаштирилиши лозим;

- мақола, тезиснинг номи бош ҳарфлар билан ёзилиши керак. Битта бўш қатор қолдирилиб, навбатдаги қатордан муаллифнинг исми, фамилияси, муассаса номи ва давлат кўрсатилади. Тезис ёки мақола қайси тилда бўлишидан қатъи назар инглиз ва рус тилларида аннотация бўлиши лозим. Шунингдек, илмий материал ёзилган тилда калит сўзлар берилиши шарт. Матн охирида фойдаланилган адабиётлар рўйхати киритилади. Матнда келтирилган фактларнинг тўғрилиги ва аниқлигига муаллифлар жавобгардирлар.

- мақола ва тезислар 1 нусха қоғозда ва электрон вариантда RTF форматида тақдим этилиши сўралади (агарда муаллифлар бошқа олий ўқув юрти ва муассасалардан бўлса, мақола ва тезисларнинг қоғоз нусхаси талаб қилинмайди, фақат электрон нусхаси тақдим этилиши шарт);

- файл муаллиф фамилияси билан номланиши лозим.

Конференция материалларини тўплам ҳолида чоп этиш режалаштирилган. Тақдим этилган мақола ва тезисларнинг ҳар бир саҳифасига нашр ишлари учун 20 000 (йигирма минг) сўм белгиланган бўлиб, ушбу тўловни нақд кўринишида ёки Қурбоналиева Махфират номидаги 8600020339291978 пластик рақамига ўтказишингиз мумкин (ўтказилган маблағни тасдиқлаш учун Бобоходжаев Саъдулло Абдуллаевичнинг тел: +998902490488 рақамига боғланинг).

**Конференция ишида иштирок этиш шarti:**

Конференцияда иштирок этиш учун мақола, тезис матнини 2019 йил 10 апрелгача қуйидаги манзилга юборишингиз сўралади:

**Ташкилий қўмита манзили:** Термиз шаҳри, Термиз давлат университети, Баркамол авлод-43, Тел.: +998915855116, (Абдуллоев Рамазон Жумакулович). Тел.: +998939030185, (Эшонкулов Илҳом Абдусаломович). Ўзбек филологияси факультети, тожик филологияси ва шарқ тиллари кафедраси, 4-қават, 405-хона. Электрон манзил: [ramazon6158@mail.ru](mailto:ramazon6158@mail.ru), Телеграм: +998915855116

**«Адабий алоқалар ва маданиятларнинг ўзаро таъсири»  
мавзусидаги халқаро илмий конференцияда иштирок этиш учун  
АРИЗА**

Муаллифнинг тўлиқ Ф.И.Ш. (ҳаммуаллифлар)	
Иш жойи ( <i>тўлиқ кўрсатилади</i> )	
Лавозими	
Илмий даражаси ва унвони	
Тезис номи	
Шаҳар, туман	
Кўчаси, уйи	
Уй телефони, иш телефони, мобиль телефони	
E-mail ёки телеграми	